



## INTERPRETATION OF PERSONAL MORAL QUALITIES IN YUSUF KHAJJIB'S WORK KUTADGU BILIG

*Murot Namazovich Saidov*

*Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor*

*Jizzakh State Pedagogical University*

*Jizzakh, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Kutadgu Bilig, righteousness and justice, prudence, morality, arrogance, modesty, vice and corruption, compassion, intellect, honesty, mercy, friendship and brotherhood, and others.

**Abstract:** The article explores the interpretation of personal moral qualities in Yusuf Khass Hajib's Kutadgu Bilig. It is also substantiated that this work plays a significant role in educating young people to become individuals with modern thinking, high moral values, cultured behavior, independent reasoning, and a spiritually mature, well-rounded personality.

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

## ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ “КУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДА ШАХС АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ ТАЛҚИНИ

*Мурот Намозович Сайидов*

*Фалсафа фанлари номзоди, доцент*

*Жиззах давлат педагогика университети*

*Жиззах, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** “Кутадғу билиг”, тўғрилиқ ва адолат, андишали, ахлоқ-одоб, такаббурлик, камтарлик, фисқу-фасод, меҳр-оқибат, ақл-дрок, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилиқ, дўстлик-биродарлик ва бошқалар.

**Аннотация:** Мақола Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадғу билиг” асарининг шахс ахлоқий фазилатлари талқини баён қилинган. Шунингдек, мақолада “Кутадғу билиг” асари ёшларни янгича тафаккурли, юксак маънавиятли ва маданиятли эркин фикрловчи, маънавий етук, баркамол шахслар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамияти эга эканлиги асосланган.

## ИНТЕРПРЕТАЦИЯ НРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ ЛИЧНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ ЮСУФА ХАС ХАДЖИБА «КУТАДГУ БИЛИГ»

**Мурот Намозович Сайидов**

*Кандидат философских наук, доцент*

*Джизакский государственный педагогический университет*

*Джизак, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** «Кутадгу билиг», праведность и справедливость, рассудительность, нравственность, высокомерие, скромность, пороки и зло, милосердие, разум, честность, сострадание, дружба и братство и др.

**Аннотация:** В статье раскрывается толкование нравственных качеств личности в произведении Юсуфа Хас Хаджиба «Кутадгу билиг». Также обосновано, что данное произведение играет важную роль в воспитании молодежи как личности нового мышления, высокодуховной, культурной, свободно мыслящей, зрелой и гармонично развитой.

---

**Кириш.** Юртимиз равнақининг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришлари амалга оширилаётганлиги билан характерланади. Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш кишиларнинг маънавият ва маърифат, маданият ва илм-фан тўғрисидаги тасаввурларининг нечоғлик, илмийлиги, шунингдек, турли назарий ва амалий негизга қурилганлиги билан боғлангандир. Маънавиятни ривожлантириш соҳасидаги мустақиллик сиёсати маънавий ҳаёт, маданий тараққиётнинг умумий қонунларини илмий жиҳатдан янгича ишлаб чиқишни, маънавий-маърифий омилнинг демократик, инсонпарварлик тамойиллари ва бозор иқтисодиёти асосида қурилаётган янги жамиятда тутадиган ўрнини белгилаб олишни кун тартибига қўяди.

Республикамызда таълимни инсонпарварлаштириш, болалар шахсини тўлақонли тушуниш, уни ҳурматлаш, болаларга ишониш ва уларни ишонтириш, қизиқиши ва қобилятини рўёбга чиқаришга имконият яратиш билан бирга уларнинг инсоний сифатларини шакллантиришни талаб этади. Яъни болада шахсининг инсонийлиги, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, ақлидрок, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилиқ, дўстлик-биродарлик, ўз юртини, Ватанини, халқини севиш каби фазилатларни тарбиялаш, айна пайтда уларни дадил, ботир, қўрқмас, шижоатли, тадбиркор, удабурон, ҳар бир нарсани қадрлай оладиган, миллий, умуминсоний қадриятларни тушуниб етадиган қилиб тарбиялаш зарурдир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Азалий миллий қадриятларимиз, ота боболаримиздан мерос бўлиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларининг бутунлай йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида, маънавият ва

маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш гоят бирламчи вазифамиздир”[1].

Шунинг учун ҳам Республикамизда бугунги кунда ёш авлод, тарбиясида замонавий омилларга таяниш, айниқса, миллий стиқлол ғоясининг асосий тарихий негизи бўлган миллий қадриятлар, анъаналар, буюк алломалар, ота-боболаримизнинг маънавий меросларига асосланишга аҳамият бериш ҳозирги куннинг талабидир.

**Асосий қисм.** Буюк мутафаккирларимиздан бири Юсуф Хос Хожиб бутун ҳаёти давомида инсон камолоти йулларини излайди. Унинг фикрича, инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан ўзаро мулоқотда, ижтимоий-фойдали меҳнатда чинакам камолотга етишади. «Инсонга фойда келтирмайдиган инсон — ўликдир», деб ҳисоблайди. Хос Хожиб ҳокимларга давлатни бошқаришда адолатли бўлиш ни маслаҳат берган, уларни конунсизликка йўл қўймасликка чақирган, акс ҳолда зулм кучайиши, норозилик келиб чиқиши мумкин, деган фикрни берган. Ҳоким доно бўлса, бошқарувнинг негизини ақл ва адолат ташкил қилади. Бу эса ялпи бахт-саодатга ва фаровонликка олиб келади. Одам кимлигидан катъий назар, инсон бўлиши лозим, чунки дунёда фақат инсонийлик гина абадул-абад қолади. Шунга кўра, инсон фақат яхшилик қилиши керак.

Юсуф Хос Хожиб инсон камолоти устида қайғурар экан, унга яхшилик ва илм орқали эришиш мумкин, дейди. Юсуф Хос Хожиб илм-фан, маърифат орқали жамиятнинг ахлоқий муҳитини соғломлаштириш ғоясини тарғиб қилган. Ёшларни янгича тафаккурли, юксак маънавийли ва маданиятли эркин фикрловчи, маънавий етук, баркамол шахслар қилиб тарбиялашда нафақат бугунги кун, балки асрлар давомида курашиб келинган тарихий тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юсуф Хос Хожиб ажойиб мутафаккир бўлиб, унинг фикрича инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан муносабатларда ижтимоий фойдали меҳнатдагина чинакам камолотга эришади. Мутафаккир инсонийлик деганда олижаноб фазилатларга эга ахлоқий баркамолликни назарда тутди. Зеро ахлоқий камолот инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг бирламчи асосидир.

Юсуф Хос Хожиб ўз давридаги ижтимоий табақалар, гуруҳларнинг ахлоқий хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи, касбкори, руҳияти ҳақида батафсил фикр юритади. Жумладан шоир, салбий хаттиҳаракатлар, қусур ва камчиликлар ҳақида шундай дейди: “Ярамас қилиқли кишидан омад ҳам юз ўгиради, у ғамга гирифтор бўлади. Андишали ва хулқли покиза кишилар софликка интилади. Андишасиз бўлса, у нуқсонли, нопокдир”[2].

Юсуф Хос Хожиб кишиларни сабрли бўлмоқлик, кўпчиликни бошқаришда обрўли бўлмоқликни мақсадга мувофиқ иш деб билади, жумладан: “Шошилмоқ, енгил-елпи

ишларни қилмоқнинг оқибати заҳматли бўлади. Бундай нолойиқ одат, кўпчиликка бош бўлган кишиларда бўлса, уларнинг юзи бўлмайди, обрўси тўкилади. Бек соғ,хушёр,сергак бўлиши лозим” деб, таъкидлайди[4] .

Салбий хулқлардан бири бу фиску-фасоддир. Турли бўхтон, миш-миш ва уйдирмалардан бугунги замон одамлари ҳам азият чекишаётгани сир эмас. Ваҳоланки бу иллат, барча давр ва замонларда ҳам қораланиб келинган. “Қутадғу билиг” да бу иллат шундай қораланади: “Фиску-фасод-кут-саодат душмани. Фасодчи элни бузувчидир. Кут, яъни бахт иқбол муқаддас бўлиб, у покликни тақазо этади”.

Дарҳақиқат, поклик, ҳалоллик, адолат каби юксак фазилатлар бор ерда албатта, кут-барака, саодат ҳам бўлади. Шарқнинг буюк донишмандларидан бўлган Юсуф Хос Ҳожиб ўз замонасининг машҳур мутафаккири, шоири сифатида авлодлар тарбияси,оила фаровонлиги,фарзандлар камолоти ва шахс маънавий юксаклиги масалаларини инсоният жамиятининг энг долзарб масалалари сифатида қараб, унинг “Қутадғу билиг” асарини психологик таҳлил қилар эканмиз, дostonнинг ҳар бир бўлимида инсоний фазилатлар, хислатлар инсоний муносабатлар, шахслараро муомала, шахсга хос бўлган ижобий сифат ва фазилатлар улуғланади.

Шоир шунингдек, ростгўйликни энг керакли улуғ фазилатлардан бири деб билади ва бу ҳақда куйидаги сўзларни ёзади: “Тўғрилиқ ва адолатга таянувчи беклик бузилмайди. Одамда энг ёмон иллат, нуқсон бу-бошлиқнинг “ёлғончи” деган номни олишидир”[3] . Шоир яна дostonда ёмон феъл,салбий хислатлардан бири-жоҳиллик ҳақида ҳам шундай ёзади: “Бузуқ феъл кишини ҳар доим босиб турадиган оғир юкка ўхшайди.У кишига азоб беради.Ёхуд бундай одам мисоли итдир. У ўзи истаган пайтида сенга ташланиши мумкин.Ёв қилмайдиган ишни, ёмон, ярамас хулқ –атвор қила олади”.

Юсуф Хос Ҳожиб ижодида чин инсонийлик белгиларини жуда содда ва мазмунли қилиб тасвирланади:“Керилиш,такаббурлик кераксиз нарса. Такаббурлик тўғри йўлдан оздиради. Кўнглини кичик тутган, камтарлик йўлида юрган киши улуғликка етади”. Шоир инсонлар орасида энг етук ва обрўлиси бу номусли одамдир деб, билади ва куйидаги сўзларни ёзади: “ Кишилар орасида энг етуги-номусли, уят-андишалилардир.

Ўтмишдан маълумки, ҳар бир миллий давлатнинг руҳи, хусусиятлари, фақат шу давлат манфаатлари ва урф-одатларига мос келувчи, хусусийликка мойил белгилар мавжуд. Масалан, барча миллатларда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муомала ҳамда мажбуриятлар бор. Баъзи давлатларда бу муносабат қонунлар билан белгиланган. Баъзиларда эса бу ўз-ўзидан, табиий равишда- кишиларнинг инсонийлик, ҳурмат-эътиборига молик ички ҳис-туйғулари билан боғлиқ фарз сифатида амал қилинади [5].

**Хулоса.** Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида инсон камолоти, унинг ахлоқ-одоби қирралари ҳақида фикр юритади, инсоннинг яхши сифатларини ҳаётий тажрибалари асосида жозибали ифода этади. Шу боис мактабгача таълим ёшидаги болалардан бошлаб токи олий таълим муассасаларидаги ёшларимизга ҳам асарда ифодаланган ғояларни тушунтириш, шеърини мисраларнинг мазмунини тарбия воситаси сифатида таълим жараёнида қўллаш орқали дарс сифат – самарадорлигини оширишга эришамиз. Натижада, ахлоқий тарбия кўрган баркамол шахс – юксак фазилатли комил инсон кўз ўнгимизда шаклланаётганлиги гувоҳига айланамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. –Б. 28
2. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. - Т.: “Фан”, 2004.- 92-93 б.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. - Т.: “Юлдузча”, 1990.- 127 б
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. - Т.: “Юлдузча”, 1990.- 130 б
5. Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий –маънавий қадриятлар. – Тошкент: Муҳаррир, 2008. –Б. 28.